

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МУЛЛАХЎЖАЕВА РАЪНО ТОШХЎЖАЕВНА

**80-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК
ТАФАККУРНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УЎК:821.512.133(092)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Муллахўжаева Раъно Тошхўжаевна

80-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши ва Шавкат
Раҳмон ижоди..... 3

Муллаходжаева Раъно Ташходжаевна

Обновление поэтического мышления в узбекской поэзии 80-х годов и
творчество Шавката Рахмана..... 26

Mullakhodjayeva Rano Tashkhodjayevna

The poetical thinking renewal in Uzbek poetry of the 80-th and Shavkat Rahmon's
creative work..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

МУЛЛАХЎЖАЕВА РАЪНО ТОШХЎЖАЕВНА

**80-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК
ТАФАККУРНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ШАВКАТ РАҲМОН ИЖОДИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil.1042 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.taj.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Наим Фотиҳович
филология фанлари доктори,
профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Қуронов Дилмурод Ҳайдаралиевич
филология фанлари доктори, профессор

Тўлабоев Олим Олтинович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» сентябрь соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «21» сентябрь да тарқатилди.
(2020 йил 18 сентябрь даги 3- рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Назаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик



Р.Баракаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч.Ҳаққулов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср жаҳон адабиёти, хусусан, шеърияти ривожига катта ҳисса қўшган шоирлар кўп. Уларнинг ҳар бири нафақат ўзи мансуб халқ адабиёти ва шеъриятининг, балки бутун жаҳон шеърияти, адабиётининг янгиланишига, юксалишига муносиб ҳиссаларини қўшди. XX аср шеърияти мазмунида башарият қисмати, дарди, замон нафаси, оғриқлари долзарб мавзуга айланганлиги жаҳон адабиётшунослигида, шеършунослигида таъкидланади. Жаҳон адабиётида алоҳида ажралиб кўзга ташланган асарларнинг мазмун-моҳияти, семантик ва структурал жиҳатдан янгиликлари оммага етиб боришига, айти пайтда, шеъриятнинг келажаги ва объектини белгилашда бир қанча тадқиқотлар дунёга келди. Шеърият ва фалсафа, олам ва одам, ҳаёт ва ўлим, уруш ва тинчлик каби умумбашарий муаммолар XX аср адабиёти ва шеърияти кесимида ўрганилди.

Дунё шеърияти XX асрга келиб янги шакллар излади. Анъанавий ўзандан чиқиб, замон нафасини англантиш истагида турли йўллар топишга интилди. Бу ҳаракатларнинг барчаси ўтган аср адабиёти қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятларни юзага келтирди. Адабиётшунослик айти жараёнларни тадқиқ этиш баробарида шеъриятнинг, адабиётнинг бош объекти – инсон руҳияти таҳлилига, унинг шеъриятдаги умумбашарий қиёфасига асосий эътиборни қаратди. Шеъриятдаги ижтимоийлашув муаммосининг етакчи планга чиқиш ҳолатларини алоҳида қайд этди.

XX аср ўзбек шеърияти ҳам жаҳон адабиётининг ажралмас бир қисми сифатида баҳоланмоғи лозим. Хусусан, 70–80-йиллари адабиётга кириб келган авлоднинг адабий жараёнда муқим ўрин эгаллашида уларнинг ўз изланишларини жаҳон адабиёти кесимида баҳолай олганликлари, жаҳон шеъриятининг ютуқларидан илҳомлангани алоҳида эътиборга молик. Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Даврон каби кўплаб шоирларнинг адабиётда ўз сўзларини айтиши тасодифан пайдо бўлган эмас. Улар муайян адабий-ижтимоий заминга эга. Ушбу авлод вакилларининг ҳар бири индивидуал ижод йўли, услуби, ўз адабий тақдири билан ажралиб туради. Аммо XX аср ўзбек ва жаҳон шеърияти контекстида олиб қаралса, улар ижодини бирлаштириб турувчи умумий жиҳатлар яққол кўринади. Ушбу ҳолатларни ўрганиш, ҳар бир авлод ва уларнинг пешқадам вакиллари ижодини тадқиқ этиш – муносиб баҳолаш, даврий босқичларнинг ўзига хос етакчи хусусиятларини, ички ва умумий қонуниятларини аниқлаб, адабиётшунослик илми учун муқим назарий хулосалар чиқариш имкониятини беради. Тадқиқ этилаётган “80-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши ва Шавкат Раҳмон ижоди” мавзуси айти назарий масалаларга тегишли изланишлар кесимида туриши билан ҳам

долзарблик касб этади. Бу даврда адабиёт майдонига янги овоз билан кириб келган шоирлар ижодини нафақат бадиийлик, айти пайтда, мустақиллик мафқураси нуқтаи назаридан туриб тадқиқ этиш улар ижодининг маънавий ҳаётимизда не чоғлик муҳим ўрин тутишини англатади. Ш.М.Мирзиёевнинг, “биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз”,¹ дейиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср 80-йиллар шеърияти, хусусан, Шавкат Раҳмон ижоди ўз давридаёқ адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг диққат-эътиборида бўлди, ушбу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Шоир шеърлари ва, умуман, ижодининг ўрганилишини объект қамровига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга 80-йиллар авлодининг асарларига ўз вақтида эълон қилинган адабий танқид йўналишидаги мақолаларни ва ушбу даврга хос муаммолар тадқиқ этилган монографиялар, диссертацияларни киритиш мумкин. Уларда бу авлод ижодини XX аср ўзбек шеъриятининг бир босқичи сифатида олиб қараган муаллифлар Шавкат Раҳмон шеъриятини ғоявий-тематик, поэтик нуқтаи

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, – 2017. – 4 август.

назардан ўрганиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб ўтганлар². Иккинчи гуруҳни С.Мамажонов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, И.Ҳаққулов, У.Азим, А.Аъзам, У.Ҳамдамов, А.Маҳкамов, Н.Отахонов, Т.Адашбоев, О.Абдуллаев, Н.Боқий, Н.Эшонкул, Қ.Раҳимбоева, Қ.Мирзо, З.Исомиддинов, Р.Қўчқоров, М.Намозов, Х.Исмоилов, З.Мирзаева, Д.Ражабов, Ҳ.Аҳмедова, В.Файзулло, А.Раҳим, Н.Жонузоқов каби олим ва ижодкорларнинг бевосита шоирнинг муайян шеърлари, тўпламлари, умуман, ижоди ва ҳаёти объект бўлган тақриз, мақолалари ҳамда эсселари³ ташкил этади.

² Мамажонов.С. Услуб жилолари. – Т., 1972; Шу муаллиф. Лирик олам, эпик кўлам. – Т., 1979; Каримов Н. Ойбек. – Т., 1985; Назаров Б. Ҳаётйлик – безавол мезон. – Т., 1985; Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Т., 1976; Ўша муаллиф. Биринчи мўъжиза. – Т., 1979; Ғафуров И. Лириканинг юраги. – Т., 1982; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т., 2006; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Т., 1979; Акрамов Б. Шеърят гавҳари. – Т., 1979; Ўша муаллиф. Оламнинг бутунлиги. – Т., 1988; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Т., 1978; Қосимов Я. Уйғониш садолари. –Т., 1991; Шарипов Р. Время. Поэзия. Стил. –Т., 1992; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Т., 1991. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. –Т., 2002; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Т., 2007; Хосе Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. – М., 1991; Эйхенбаум Б. О прозе, о поэзии. – М., 1986; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л., 1977; Тимофеев Л. Слово в стихе. – М., 1982; Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. – М., 1986; Лотман М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – М., 1972; Поспелов Н.Г. Вопросы методологии и поэтики. – М., 1983; Хализов В.Е. Теория литературы. – М., 1999; Эпштейн М.Н. Природа, мир, тайник вселенной. – М., 1990; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т., 1996; Гўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Т., 1966; Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Т., 1979; Қуроно Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т., 2010; Мамажонов С. Ҳаққонийлик ва услубий ранг-баранглик учун // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. 4-сон. – Б. 3-9; Саримсоқов Б. Лирикада бадий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. 5-6-сон; Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърятинида поэтик образ ва унинг тадрижи. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. –4-сон. –Б.3–8; Қосимов Я. Ўзбек шеърятинида поэтик фикрнинг янгилиниш жараёни: Филол.фан.номз...дисс. – Т., 1993; Абсамиев Х. Проблемы традиции и новаторства в узбекской поэзии 60–70-годов: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Т., 1986; Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60–е–80-е годы): Автореф.дисс... д-ра филол.наук. – Т.,1991; Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърятинида психологик тасвир маҳорати: Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Т., 1999; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари: Филол.фан.д-ри...дисс.. – Т.,1996; Эшонова З. Идеино-художественные особенности поэзии Чулпана: Автореф.дисс... канд.филол.наук. – Т., 1991; Сабирдинов А. Ойбек шеърятинида сўз ва образ: Филол.фан.номз...дисс.. – Т.,1993; Абдукаримов Т. Зулфиянинг 70–80-йиллар ижодида лирик қахрамон тасвири: Филол.фан.номз... дисс...автореф. – Т., 1995; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: Филол.фан.номз... дисс.. автореф. – Т., 1997; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеърятинида “соф лирика” муаммоси: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Ашурова Г.Н. Абдулла Орипов шеърятинида анъана ва бадий маҳорат: Филол.фан.номз...дисс.. – Т., 2008; Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қахрамон талқини. Фил.фан.д-ри...дисс. автореф. –Т., 1994; Ражабов Д. Бадий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати. Фил.фан. номз...дисс. –Т., 1998; Мирзаева Н. XX аср шеърятинида метафорик образ муаммоси (Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърятини мисолида): Филол. фанлари номзоди... дисс... автореф. –Т., 2006; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол.фан.номз...дисс.. –Т., 2004; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Филол. фанл. номз... дисс. –Т., 2004; Маматова А.Н. Ўзбек адабиётинида сарбаст шеърнинг шаклланишида ва унинг бадий-эстетик хусусиятлари. Фил.фан.номз... дисс. автореф. – Т., 2000.

³ Ҳаққулов И. Англаш ва ҳис этиш санъати. Катта йўл бошида (мақолалар тўплами). –Т., 1987. – Б. 7 – 28. Аъзам А. Масъул сўз. – Т., 1987. Ҳаққулов И. Бадий сўз шукуҳи. – Т., 1987. – Б. 215; Мамажонов С. “Кўзингизни очинг, кўркманг”. Камалак. Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Т., 1989. – Б. 156-157; Тўлаков И. Нурли манзиллар. – Т., 1992. – Б. 88; Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Т., 1993. – 366 б; Ражабов Д. Бадий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002; Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т., 2002; Сўнмас юлдузлар. Муаллиф ва тўпловчи Муҳаббат Ато – Т., 2010; Шавкат Раҳмонни хотирлаб: Ёдномакар, тақриз-тахдила, суҳбатлар ва бағишлов шеърлар. –Т., 2012; Ғаниев И., Офоқова Н, Ғаниева А. Шавкат Раҳмон олами. – Т., 2012. Исмоилов Х. На крыльях критика своего // Звезда Востока. – Т.: 1988, №7. –стр. 131 – 139; Абдуллаев О. Ўткир сўз қолмаса, ҳеч нарса қолмас...// Жаҳон адабиёти. 1998. 4-сон, – Б. 151-157; Намоз М. “Туманларни кўпорар тоғлар”. // Ватан. 1995, 14-22 июль; Файзулло В. “Саҳар турдим, куёшни кутдим...” //

Мавзуимизга тегишли муайян факт, фикр-мулоҳаза ва кузатишлар ушбу муаллифларнинг асарларидан алоҳида ўрин олган. Лекин Ш.Раҳмон ижоди, ҳаёти мавжуд тадқиқотларда у ёки бу даражада ўрганилган бўлса-да, монографик планда – махсус 80-йиллар поэтик тафаккурининг янгиланиши контекстида тадқиқ этилмаган. Бугунги кунга келиб Ш.Раҳмоннинг ҳаёт йўли, ижодининг шаклланиш босқичларини яхлит тадқиқ этиш долзарблик касб этди. Шоир шеърятининг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, унинг бадиий-услубий изланишларини тадқиқ этиш орқали 80-йиллар шеърятига хос поэтик тафаккур янгиланиш йўллари кўрсатиш имкони туғилди. Шоирнинг шакл ва мазмун, поэтик образлар қўллаш борасидаги маҳоратини ўрганишга, тенгқурлари ижодига қиёсан назарий умумлашмалар чиқаришга етарли фактик материаллар тўпланди. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқотнинг танланган йўналишдаги дастлабки изланиш эканлигини намоён этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти “XX аср ўзбек адабиёти” бўлимининг тадқиқот режалари доирасида амалга оширилди. Диссертация мавзуси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш (2017–2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрнинг 80-йиллари ўзбек шеърятини поэтик тафаккур янгиланишини шоир Шавкат Раҳмон ижоди мисолида аниқлаш, шоир шеърларининг шакли, мазмуни ҳамда ғоявий-бадиий хусусиятларини атрофлича ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация олдига қўйилган бош мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

XX аср адабиёти контекстида 80-йиллар шеърятини бадиий тафаккурнинг янгиланиш жараёнларини ёритиш;

Шавкат Раҳмон ижод йўлининг даврий босқичларини белгилаш;

Ёзувчи, – Тошкент, 1997. 26 март, 9 апрель; Азимов У. ва бошқалар. Бу дунёга қўнғил қолдирган шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1996, 4 октябрь; Қутлибека. Қулликнинг озод инсони // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1997, 26 декабрь; Боқий Н. Жасорат сўзининг таржимонлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т.: 1998, 27 март; Боқий Н. Ўш йўлида (Таассурот) // Хуррият. – Т.: 2000, 50-51-сонлар; Мирзаева З. Сўз юки // Ёзувчи. – Т., 1997, 16 июль; Мирзаева З. “Бахт сўзин айтаман...” // Ёзувчи – Т., 1998, 26 август; “Ёш 45 га борганда” (Адабиётшунос Раҳмон Қўчқор билан суҳбат) // Ватан – Т.: 1995, 14-22 июль; Ражабов Д. Дарахтнинг ҳам бор эмиш тили // Гулистон. – Т., 1997, 5-сон; Адашбоев Т. Тоғларга термулиб қолган хаёл // Шарқ юлдузи. – Т., 2000, 5-6-сон, – Б.119 –128. Мирзо Қ. “Юрак қирралари” // Ўш садоси. – Ўш: 1981, 2 декабрь; Раҳим А. Рангин лаҳзалар // Demos times. – Ўш, 2000, 10 ноябрь; Аҳмедова Х. Жисимини куйдириб учар овозим // Тонг юлдузи. – Т., 1997, 8 октябрь; Маҳкам А. Адабиёт ибодати (Шоир Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижодига чизгилар) // Хуррият, – Т., 2004. 22 декабрь. 50-сон; Исомиддинов З. Шавкат Раҳмон // Олтин қалам. – Т., 2006, 8-9-сон; Эшонқул Н. Отдан тушмаган ёзувчи // Моҳият. 2009. 10 апрель; Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Шеърига қўчган шахсият // Карвон қўнғироғи – Т., 2011, 14 апрель; Жабборов Н. Зулфикор руҳ орзуси // Шарқ юлдузи. – Т., 2015, 1-сон.

шоир шеърятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
шоир шеърларининг мавзу кўлами, шеърларида шакл ва мазмун уйғунлигини тадқиқ этиш;

шоир шеърлари вазн ва қофия системасидаги янгиликларнинг бадиий-эстетик асосларини кўрсатиб бериш;

шеърлардаги асосий поэтик образлар семантикасини, уларнинг маъно қатламларини аниқлаш;

шоир шеърларида ифодаланган етакчи ғоя ва мазмунни таҳлил этиш;

80-йиллар авлоди шеърятида Шавкат Раҳмон ижодининг ўрнини илмий жиҳатдан асослаб кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти. Шавкат Раҳмоннинг “Рангин лаҳзалар”, “Юрак қирралари”, “Очиқ кунлар”, “Гуллаётган тош”, “Уйғоқ тоғлар”, “Хулво”, “Сокин исён” тўпламлари, “Сайланма”си, “Абадият оралаб” тўплами ҳамда шоирнинг ўсмирлик йиллари “Ўш садоси” газетасида эълон қилган шеърлари тадқиқот объектини ташкил этади. Қиёсий материал сифатида XX аср ўзбек шоирларининг айрим шеърларига ҳам муносабат қилинди.

Тадқиқот предметини XX асрнинг 80-йиллари шеърятида бадиий тафаккур янгиланишини Ш.Раҳмон шеърятининг ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, структурал-семантик ва биографик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

80-йиллар шеърятида бадиий тафаккурнинг янгиланиш жараёнлари Шавкат Раҳмон ижоди қамровида кўрсатилган;

шоирнинг ижод йўли даврий босқичларга ажратилиб, шеърятига хос жиҳатлар белгиланган;

Ш.Раҳмон шеърлари мавзуларининг давр билан уйғунлиги аниқланиб, шоирнинг шакл борасидаги изланишлари, вазн ва қофия системасидаги янгиликлари аниқланган;

шеърятда поэтик образ ва оҳангнинг муҳим ўрин тутиши, шоирнинг поэтик сўз қўллаш маҳорати муайян матндаги маъно қатламларини аниқлаш орқали кўрсатилган;

шоир шеърларида ифодаланган етакчи ғоя ва мазмун тадрижи аниқланиб, босқичма-босқич илмий асосда қайд этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шавкат Раҳмон шеърятининг XX асрнинг 80-йиллар бадиий тафаккур янгиланишига қўшган ҳиссаси тадқиқ этилган;

шоир ижод йўлининг даврий босқичлари, мавзуларнинг замонга мос ривожланиб бориши, мазмуннинг шакл, оҳанг, вазн ва қофияга таъсири асосли мисоллар билан далилланган;

Шавкат Раҳмон шеърлятида поэтик образнинг янгиланиши, шоирнинг сўз қўллаш маҳорати бевосита бадий матн маъно қатламларини очиш орқали кўрсатиб берилган;

шоир асарларидаги етакчи ғоя: ватан, эрк, озодлик белгиланиб, уларнинг тадрижий ривожини салафлари ва замондошлар шеърляти мисолида қиёсан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, структурал-семантик ва биографик методлар орқали асослангани, ишончли назарий манбалар ҳамда луғатлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср сўнгги чораги шеърлятида бадий тафаккурнинг янгиланиш жараёнлари билан боғлиқ муаммолар ҳамда шеърлятнинг мавзу қамрови, шакл ва мазмун уйғунлиги, вазн ва қофия системасидаги ўзгаришлар бир шоир ижоди мисолида ўрганилганлигида намоён бўлади. Диссертация хулосалари нафақат 80-йиллар авлоди шеърляти, балки, умуман, ўзбек шеърляти юзасидан келгусида олиб бориладиган тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг материаллари, илмий-назарий хулосаларидан олий ўқув юртлирида ўзбек адабиёти, хусусан, XX аср шеърляти, поэтик тафаккур масалалари ҳамда шеърлят бўйича маърузалар ўқиш ва семинар машғулотлари олиб бориш, дарслик ҳамда қўлланмалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср ўзбек шеърлятида бадий тафаккурнинг янгиланиш жараёнлари ҳамда Шавкат Раҳмон ва унинг замондошлари ижоди қиёси билан боғлиқ илмий натижалар қўйидаги ишларда жорийланган:

жаҳон адабиётига хос турли поэтик изланишлар қўламида ўзбек адабиёти, хусусан, шеърлятида поэтик образ ва оҳангнинг муҳим ўрни, ижодкорнинг поэтик сўз қўллаш маҳорати, шеърлятда ижтимоий-фалсафий ғоя ва мазмун тадрижини назарий жиҳатдан ўрганилиши билан боғлиқ муаммоларни илмий асослаш борасида Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида қўлланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 25 июндаги 3/1255-1313-маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш XX аср ўзбек шеърлятида бадий тафаккурнинг янгиланиш жараёнларини ҳамда Шавкат Раҳмон ва унинг замондошлари ижоди бўйича тадқиқотлар яратишда қўмаклашган;

Шавкат Раҳмон ижодининг ўзбек адабиётдаги ўрни билан боғлиқ назарий фикрлардан “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётида бажарилган А-1-107 рақамли “XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги”, “XX аср ўзбек фольклоршунослиги антологияларини

нашрга тайёрлаш” (2015–2017) амалий лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2020 йил 20 январдаги 01-31-сонли маълумотномаси). Натижада XX аср ўзбек шеърияти, поэтик тафаккурдаги янгиланишлар масаласи, Шавкат Раҳмон ижодининг ўзбек адабиётдаги ўрни, шоир ижодида фольклор мотивлари, образлар семантикаси каби масалалар амалий лойиҳани бойитишга ёрдам берган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалидаги “Дунё адабиёти” (Федерико Гарсиа Лоркага бағишланган сони) ва “Унутилмас сиймолар” (Шавкат Раҳмон ижодига бағишланган сони) дастурларини тайёрлашда (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 25 февралдаги 01-16/50-сонли маълумотномаси), Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшитиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Бедорлик”, “Адабий жараён” радиоэшиттиришларида (2019–2020 йил сентябрь ва февраль ойлари) илмий иш натижаларидан фойдаланилган (“O’zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2020 йил 29 февралдаги 04-25-422-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий далилларга бой бўлиши таъминланиб, шоир ижодий меросининг ўзига хос бадиий-эстетик қимматига бағишланган таҳлилий кўрсатув ва эшиттиришлар савияси янада мукаммаллашди;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 2018 йил 12 сентябрда Шавкат Раҳмон таваллудига бағишлаб ўтказилган “Дилларга кўчган шеърият” номли илмий-адабий анжуманда ишнинг илмий натижаларига тегишли муҳим хулосалар асосида маъруза қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 22 январдаги 01-03-06/83-сонли маълумотномаси). Шавкат Раҳмон ижоди, 80-йиллар ўзбек шеъриятида кечган ғоявий-бадиий янгиланишлар, шоирларнинг шакл борасидаги изланишлари ҳақида муҳим хулосалар анжуман иштирокчилар томонидан янгиланган сифатида қабул қилинди, натижада адабий жамоатчилик ва ёш авлоднинг мазкур давр шеърияти ва поэтик янгиланишларига жиддий эътибор қилиш лозимлиги ҳақидаги фикр янада қатъийлашди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, илмий жамоатчиликка етказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография ва ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи – **“70–80-йиллар шеърлятида бадий тафаккур тадрижи”** боби икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда *“Бадиий тафаккур, унинг асосий белги ва хусусиятлари”* масаласи ўрганилган. XX асрда олимлар адабиётни тафаккурнинг бадий кўринишидаги ижтимоий онг маҳсули сифатида кенг талқин этдилар⁴. “Бадиий тафаккур” тушунчаси ҳам асосан шу даврда кенг истеъмолга кирди. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам “бадиий тафаккур” атамаси адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган тадқиқотларда қўлланилиб, унга боғлиқ бир қанча фикр-мулоҳазалар баён этилди. Диссертацияда ушбу атама ва унга тегишли фикрларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, танлаган мавзуимиз бадиий тафаккур тушунчаси ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштиришни, унинг етакчи хусусиятлари, хоссалари ва мезонларини белгилашни талаб этади. Чунки шеърлятида бадий тафаккур тушунчасини аниқ белгилаб олмасдан, унинг 80-йиллар ўзбек шеърлятидаги янгилашиш босқичларини, ўзига хос жиҳатларини ва бу жараёнда шоир Шавкат Раҳмоннинг ўрнини алоҳида кўрсатиш мушкул. Ушбу назарий масалаларнинг ечими бевосита ана шу таянч тушунчанинг ёритилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбек адабиётшунослигида “поэтик тафаккур”, “бадиий тафаккур” атамалари баравар қўлланилади. Биз атама танлашда “Адабиёт назарияси” китобига таяндик. Китобда тушунчага бевосита таъриф берилмаса-да, унинг икки типи алоҳида ажратилган: – “романтик тафаккур типи”, ҳамда “реалистик тафаккур тип”и⁵. Илмий адабиётларда “бадиий тафаккур”, “ижодий тафаккур”, “илмий тафаккур”, “илмий-техникавий тафаккур”,

⁴ Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978; Sulton I. Adabiyot nazariyasi . – Qayta ishlangan va to'ldirilgan uchinchi nashri. – Toshkent: O'qituvchi, 2005; Саримсоков Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004.; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: 2007; Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Т.: Ўқитувчи, 2012; Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 b.

⁵ Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 400.

“мантикий тафаккур”, “миллий тафаккур”, “мифологик тафаккур”, “образли тафаккур”, “эпик тафаккур”, “фалсафий тафаккур” каби атамаларни учратамиз. Атамаларда тафаккурга аниқловчи бўлиб келаётган сўзлар унинг турларини билдирмоқда. Бизнингча, уларни илмий тафаккур ва бадий тафаккур, деб иккига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий тафаккур аниқ тушунча, қонуниятлар системасига амал қилади ва мана шу қонуниятларни ишлатадиган фикр услубидир. Бадий тафаккурда тушунчалар ўрнида бадий образ қўлланилади. Бу ерда ҳар бир ижодкорнинг дунёқараши, ички олами муҳим роль ўйнайди. Бадий образ ибтидоси ижодкорнинг ички дунёсидан келиб чиқади. Шоир ёки ёзувчининг ички ҳиссиётлари, рухий ҳолатлари кўшилиб, фавқулодда образлар туғилади. Ижодкорнинг онгости рухий ҳолатлари ҳам ўзи англамаган равишда кўшилиб кетиши мумкин. Айни пайтда, ижодий жараёндаги рационаллик ўрнини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бадий тафаккурда ёзувчининг дунёқараши катта аҳамиятга эга. Бадий тафаккурда илмий методология бўлмайди. Ижодкор дунёқараши орқали юзага келган бадий тафаккур маҳсули бир жиҳатдан маълум даражада фалсафага ҳам яқинлашиб боради. Янада аниқроқ айтилса, фалсафанинг иррационал оқими бадий тафаккурга ёндашади⁶. Бадий тафаккур тасаввурлар оламига таянса, илмий-мантикий тафаккур тажриба, аниқ билим ва хулосаларга суянади. Бадий тафаккур ифодаси учун ҳеч қандай чегара ва ўлчамлар қўйилмайди. У сарҳадсиз сарҳадларда қулоч ёяди. Илмий-мантикий тафаккурнинг қатъий мезон ва ўлчамлари мавжуд. Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамов “Бадий тафаккур тадрижи” деб номланган монографиясида ушбу масалага тегишли бир қанча муаммоларни батафсил тадқиқ этган бўлса-да, бадий тафаккурнинг ўзи нима, деган саволга алоҳида тўхталган эмас. Ушбу ҳолатнинг маълум объектив ва субъектив сабаблари бор. Биринчидан, XX асрга келиб адабиётни ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси сифатида ўрганиш етакчи мавқе эгаллади ва бадий тафаккур атамаси ҳам асосан адабиётнинг ижтимоийлиги билан боғлиқ тарзда қўлланиб келинди. Иккинчидан, айни атама аниқ келтирилмаса-да, бадий тафаккурга хос хусусият, мезонларнинг бадийлик билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганлигидир.

Том маънода, адабиётнинг мавзуси инсон ҳаёти бўлса-да, бироқ ҳар бир даврда инсоннинг орзу-интилишлари, ижтимоий-сиёсий мавқеи ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ у ёки бу мавзу долзарб кўриниш олади. Бу ҳолатлар ўз навбатида асарнинг бадийлигига таъсир этди.

Ушбу бобнинг *“70–80-йиллар авлоди шеърлятида поэтик тафаккурнинг ўзига хослиги: анъана ва янгилашиш”* деб номланган иккинчи фаслида бу даврда ижод оламига кириб келиб танилган шоирлар шеърлятидаги ворисийлик ва ўзига хосликлар бадий тафаккур мезонлари асосида тадқиқ этилди. Ворисийлик қонунияти барча жойда бир хил амал

⁶ Қаранг: Жуманиёзова Г. Мутафаккирлар Ф.Ницше ва А.Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси.– Т. Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010. – Б.104.

килади. 70–80-йиллар ўзбек шеъриятига кириб келган авлод ҳам ўз талант ва иқтидорини салафларининг ижодий тажрибаларини ижобий ўзлаштириш баробарида янгилаб, бойитиб, ўзлигини намоён этганида кўрсатган. Ана шу мураккаб ижодий жараёнда бадиий тафаккурнинг авлодлараро тадрижий ривожланиш қонуниятлари очишга ҳаракат қилинди.

XIX аср иккинчи ярмидан XX асрнинг сўнгига қадар яратилган ўзбек шеърияти намуналари даврлаштириш мезонлари асосида ўзаро қиёсланса, уларда бадиий тафаккурнинг ушбу йўналишлари бўйича янгиланиш жараёни кечганлиги кузатилади: 1) *шакл ва услубдаги янгиликлар*; 2) *ғоявий йўналишдаги янгиликлар*; 3) *мавзу танлашдаги ранг-барангликлар*; 4) *поэтик интонация ва оҳанг борасидаги изланишлар*.

Айни пайтда, юқорида ҳам таъкидланганидек, ушбу янгиланишлар баробарида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа кўплаб қатор омиллар билан боғлиқ барча даврларни боғлаб турувчи аъъаналар (шакл ва мазмун, оҳанг ва ғоя кабилар) ҳам мавжуд. Лекин бу аъъаналар ҳам муайян даврга мос янгиланиш босқичларидан ўтади. Ушбу улкан даврга хос яна бир жиҳат шеъриятнинг ижтимоийлашувидир.

XX асрнинг 20-йилларида кўлдан кетаётган эрк, озодликдан қайғуриш, имконсизлик, йўлсизликдан афсус-надоматлар куйланса, 80-йилларда эрк ва озодликни кўлга киритиш, халқни уйғотиш ва мустақиллик йўлига бошлаш масалалари бош мавзу бўлди. 30-йилларда ватанни мадҳ этиш таъриф тавсифлаш воситасида халқнинг ўзлигини сақлашга ундалган бўлса, 60-йилларда Ватан фахри, унинг шонли тарихи буюк сиймолари мисолида миллий ўзликни англашга чорланди. XX аср ўзбек шеъриятининг ижтимоий мавзудаги намуналарида бадиий тафаккурнинг ижтимоий воқелик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ички уйғунликлар билан намоён бўлиши ўзига хос қонуният асосида юзага чиқаётганлиги диққатга сазовордир.

70–80-йиллар шеъриятида ижтимоий мавзу фаол кўриниш олган бўлса, бунга асосий сабаб ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар: воқеаларнинг кескин тус олиши, собиқ шўро давлатининг қайта куриш ва ошкоралик сиёсати, иттифоқдош республикаларнинг аста-секинлик билан ўз мустақилликлари сари қадам-бақадам бориши ва ушбу мураккаб жараёнда шеъриятнинг, умуман, адабиётнинг жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларнинг олдинги сафида бўлишидир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Шавкат Раҳмон ижодининг шаклланиши**” деб номланиб, унинг “*Шоирнинг ижодий йўли*” деб номланган биринчи фаслида шоирнинг биографияси ва ижод йўли бири-бирига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Ижодкорнинг қачон, қаерда туғилгани, қандай муҳитда ўсиб, тарбия топгани, ўқиб-ўрганганини тадқиқ этиш аҳамиятсиздек туюлиши мумкин. Лекин шоирнинг бутун ижоди, қайсидир маънода, унинг бадиий биографияси эканлиги инобатга олинса, ҳаётий ва бадиий биография ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлиги ойдинлашади. Шу нуқтаи назардан қаралса, Шавкат Раҳмоннинг таржимаи ҳоли ва ижод

йўлини ўрганиш унинг 80-йиллар бадиий тафаккури ривожига қўшган хиссасини аниқлашга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Шоирнинг 1950 йили 12 сентябрда Ўш вилоятининг Қорасув туманида туғилгани, 1966 йили ўрта мактабни битиргани, Тошкентда ўқиш орзусига эриша олмай, Ўш вилояти газетасида ҳарф терувчи, сўнг мусахҳиҳ бўлиб ишлагани ва илк шеърларининг ушбу газетада чоп этилгани кўрсатилиш баробарида “Орзуга”, “Полизда”, “Қиш”, “Оху”, “Ирмоқ” каби шеърларида кечинмалар табиат манзаралари воситасида бадиий ифода этилгани, шу билан бирга, “Ўйчанлик”, “Хайрлашув”, “Саҳнада”, “Соҳилда қайиқ”, “Ўғирласа гул” сингари шеърларида китобийлик, маълум сакталиклар сезилгани кўрсатилган. Шавкат Раҳмон Москвада Адабиёт институтида ўқиш даврида рус ва жаҳон адабиёти, хусусан, испан шеърляти, айникса, Федерико Гарсиа Лорка ижодини чуқур ўрганди. Ўзга муҳит, ўзга иқлим шоир кўнглида турфа ўй-кечинмаларни ўтказар эди. Ватан соғинчи ўртаган вақтлар офтобли юрт фарзанди эканлигини доимо ёдида тутди. Шоирнинг дўсти Собит Мадалиевга бағишланган шеърда ифодаланган ғоя унинг бутун ижоди давомида босқичма-босқич тиниқлашиб, янада мукамал кўриниш олди:

Биз офтобнинг икки боласи,
Шаҳарларда юрибмиз кезиб.
Қалбга туташ офтоб толаси –
Бу толани бўлмас ҳеч узиб...⁷

70–80-йиллар авлоди ижодида устувор бўлган Ватан ва озодлик мавзусининг Шавкат Раҳмон шеърларида бўй кўрсатиши унинг Москвадаги ўқиш вақтига тўғри келади. Эндиликда ушбу шеърнинг: “*Бурчимизни оқлаб тобора / Яқинлашиб боряпмиз Кунга...*” мисралари ўзига хос башоратдек туюлиши мумкин. Эҳтимол, шоирнинг кўнгили туби бу кунларнинг келишини сезган ва айни мисраларнинг туғилишига замин бўлгандир. Шоир 1975 йили Москва таҳсилини тамомлади. Шундан сўнг унинг “Рангин лаҳзалар” (1978), “Юрак қирралари” (1981), “Очиқ кунлар” (1984), “Гуллаётган тош” (1985), “Уйғоқ тоғлар”(1986), “Хулво” (1987), тўпламлари чоп этилди. Шоир вафотидан кейин унинг “Сайланма”си (1997), “Сокин исён” (2005), “Абадият оралаб” (2012) каби шеърлий китоблари нашрдан чиқди.

Шеърлий китобга қўйилган ном ушбу тўплам ҳақида дастлабки маълумотни бера олади. Бирор-бир шоирнинг китоблари номини нашр санасига кўра кетма-кетликда ёзиб чиқилса, маълум маънода, унинг ижодий биографияси ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Мазкур фаслда Шавкат Раҳмон шеърлий тўпламларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида таҳлил этилган.

Шоирнинг тўпламларига билдирилган мулоҳазаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: **биринчи гуруҳга** мансуб мақола ва тақризларда Шавкат Раҳмон иқтидорига юқори баҳо берилиб, унинг асарлари 80-йиллар

⁷ Раҳмон Шавкат. Рангин лаҳзалар. Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 6.

шеъриятининг энг юксак намуналаридан бири эканлиги таъкидланган. **Иккинчи гуруҳга** тегишли фикрларнинг бир қисмида Шавкат Раҳмон ижодида йўл кўйилган камчиликлар холисона кўрсатилган,⁸ бошқа бир ўринда очик хусумат, собик шўро мафкураси ноғорасини чалиш орқали шоирни қоралашга⁹ интилиш бўлганлиги кузатилади.

Бобнинг “*Шавкат Раҳмон шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари*” деб номланган иккинчи фаслида Шавкат Раҳмон шеъриятида асосий мавзулар – табиат, жамият ва инсон эканлиги белгиланган, атрофлича тадқиқ этилган.

Ижод ўта мураккаб жараён. Инсоннинг қалбида, кўнгил тубида кечаётган ҳис-туйғуларни, онгида айланаётган ўй-фикрлар туғенини бир қарашда илғаш мушкул. Ижод эса ана шу қалбу кўнгил билан онг уйғунлигидан туғилган мева ҳисобланади. Ижодкорнинг қайси мавзунини танлаши, қандай мазмун ва ғояни ифодалашини ана шу икки асосга таянади. Ўз навбатида, бу икки асос ижодкор яшаётган замон ва ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Муҳими, мавзунинг бадиий воқеликка айланишидир. Ҳар бир мавзу у ёки бу даражада анъанавий кўринишга эга. Фақат давр талабларига кўра бирор-бир мавзу нисбатан долзарблик касб этиши мумкин.

Шеъриятда муҳаббат мавзуси барча даврларда куйланиб келинади. Висол ва ҳижрон муҳаббат мавзусининг асосий мотивидир. У деярли ўзгармайди. Ватан мавзуси ҳам деярли ҳар бир давр учун долзарб. Лекин муайян шарт-шароит ва Ватан тақдири, яъни мамлакатнинг таназзулдаги ҳаёти ёки мустақил тараққиёт даври билан боғлиқ ушбу мавзу ўзига хос тарзда намоён бўлади. XX асрнинг 70–80-йиллар шеърияти учун энг долзарб мавзулардан бири – Ватан мавзуси бўлди. Хусусан, шоир Шавкат Раҳмон ижодида бу мавзу бўртиб кўринади. И.Ҳаққулов “Ватанни англаш – Шавкат шеъриятидаги бош ғоя, сарбон туйғу”,¹⁰ деган. Лекин ижтимоий мавзу шоир ижодининг дастлабки босқичида деярли сезилмайди. Аниқроқ айтилса, кенг маънодаги муҳаббат мавзуси бу даврда устувор кўриниш олган. Умуман, Шавкат Раҳмоннинг шоир сифатида лирикага мойиллиги ва соф лирика шоир табиатига яқинлигини унинг “Иқроқ” шеъри ҳам тасдиқлайди:

Рубобий шеър ёзсам...
қайтсам бир нафас...
хамиша мусаффо чашмани кўрсам,
қорайган чўккилар қорига қараб,
бир нафас хаёлчан ўсмирга дўнсам.
Воҳ, ўшал лаҳзалар...¹¹

Шавкат Раҳмон лирикасида муҳаббат мавзусидаги шеърлар бевосита табиат тасвири билан уйғундир. Шоир табиат тасвиридан пейзаж яратиш учун эмас, балки “Манзара”, “Шимол куни”, “Машқ”, “Ҳамал”, “Субҳидамда

⁸ Аъзамов А. Масъул сўз. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 264 б.

⁹ Очил Сафо. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 366 б.

¹⁰ Ҳаққулов И. Бадиий сўз шукуҳи. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б.202.

¹¹ Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 371.

ям-яшил дарахт”, “Ёз равиши”, “Ёз туни” шеърларидаги каби табиат тасвиридан кўнгил, унинг туғёнларини қиёслаш учун фойдаланади, кутилмаган фалсафий умумлашмаларни тақдим этади.

Ёз туни. Боғ ширин уйқуда.
Кекса чинор суради хаёл.
Кириб қолар боққа адашиб,
телвакезик, яланғоч шамол¹².

Бу шеърда тасвирланган вақт – ёз кечаси, жой эса боғ, аниқроғи, уйқудаги боғ. Шоир бу бандда эътиборимизни икки нарсага – биринчиси – кекса чинор хаёл оғушида эканлиги, иккинчиси эса, шу пайт боққа телвакезик шамол кириб келганига қаратади. Одатда, телвакезик сўзи тунги уйқу чоғида, ой ёруғида кезувчи кишиларга нисбатан айтилади. Шеърда телвакезик яланғоч шамолга сифат бўлмоқда. Боғ оромини бузувчи шамол оддий шамол эмас, табиат тасвири замирида ижтимоий маъно ҳам яширинганлигини қайд этиш лозим.

Шеърятда ижтимоий мавзунинг кенг қамровда акс этиши ХХ асрда яққол намоён бўлса-да, уни шу асрнинг маҳсули сифатида баҳолаш у қадар тўғри эмас. “...Энг эмоционал поэзия ҳам вазифа ва моҳият эътибори билан сиёсий масаладир, шеър – шоирнинг ижтимоий виждони”¹³, деб ёзади Асқад Мухтор. Ушбу фикр ХХ аср шеърятини контекстида айтилган бўлса-да, маълум маънода, барча даврлар адабиётига тегишлидир.

Шавкат Раҳмон шеърятини ижтимоийликнинг кенг ўрин эгаллаши табиий равишда давр талаби, қолаверса, шоир руҳияти, шахсига ҳос гражданлик масъулиятининг позиция (бадий ифодадаги) даражасига кўтарилиши сифатида баҳолаш лозим. Шоирнинг “Автобусдаги ўйлар” шеърига сиртдан қаралса, шеър лирик қаҳрамони йўлда кетаётган йўловчидир. Автобус, йўл, йўловчиларнинг ҳолат ва кечинмалари, йўл чети манзаралари – барча-барчаси поэтик контекстда лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, баҳолар билан боғлиқ ўзгача бадий мазмун олади. Энди йўловчи, йўл, автобус ўзгача фалсафий-бадий мазмун ташиди. Шавкат Раҳмонга ҳос поэтик тафаккур унинг ўз услубини шакллантириб, маълум анъана ҳосил қилади. Бу ўринда қишлоқлар йўл четида писта, қурут сотувчи чолларга менгзалади. Қишлоққа сифатловчи бўлиб келган “содда” сўзи шоир назарда тутган поэтик мазмунни янада аниқлаштиради. Унинг наздида содда қишлоқлар йўл четида шунчаки томошабин бўлиб туришгани йўқ. Улар олис бир саёҳат ва сафарга чоғлангандек кўринади:

Қайга бордилар,
лойгарчиликда
қай орзу-истаклар бағрини эзар?..¹⁴

¹² Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 50.

¹³ Қаранг: Парфи Рауф. Сабр дарахти. Асқад Мухтор сўзбошиси. Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 9.

¹⁴ Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.223.

Лирик қаҳрамоннинг ушбу саволи “содда қишлоқ” поэтик образининг маъносига ойдинлик киритади. Шоир Йўловчи – лирик қаҳрамонни бошқа йўловчилардан ажратади. Содда қишлоқлар образига жамланган мазмун ўқувчига англашилгандай бўлади. Шоирнинг сафар, саёҳат ҳақида эслаши бежиз эмас. У бу фикр билан меҳнатга боғлаб, пахта қулига айлантирилган халқни ана шу маҳкумликдан озод, эркин орзулар мамлакатига элтмоқчи эканлиги ойдинлашади. Поэтик матндаги “лойгарчиликда” сўзи ана шу маҳкумликка ишорадир. Шеърнинг кейинги мисраларида шоирнинг дарди, армонлари янада теранроқ ифода топади.

“Автобус”даги олам шоир орзу-идеалларига зид – оломон оламидир. Бир қарашда ушбу мисралар образлиқдан холи, ахборот хитобларга ўхшайди. Лекин умумий поэтик матн сатҳида шоир назарда тутган ғояни ифодалашга хизмат қилади.

Шеър сўнгида саёҳат охирлагани айтилади. Аслида, бу халқнинг уйғониш фасли етганлигини, авлодларнинг аجدодларга муносиб ворис бўлиш масъулиятини ҳис қилишлари кераклигини уқтираётгандек бўлади. Ухлаётган омма манзарасини бериш орқали уларни огоҳликка, хушёрликка, курашга чорлайди. “Автобусдаги ўйлар” том маънода мажозий шеър, мажозийлик шеърда ботартиб келган манзаралар тасвиридан, манзаралар умумлашиб, ҳосил этган яхлит асардан, асардаги ҳар бир сўз – образдан англашилиб туради. Шавкат Раҳмоннинг ижтимоий мавзудаги шеърларини моҳиятан умумий бир махражга келтириш мумкин. Уларда халқнинг собиқ шўро давридаги аҳволи, юз йилдан ортиқ вақт давомида асоратда сақланиш оқибатида сўнган руҳияти, турли таъқиб, ясоқлар билан шонли тарихи, маданиятидан ажралиб, ёт ғояларга асир этилгани, оқибатда ўзлигини унутиш даражасига келган муте авлодларнинг шаклланиб келаётганининг изтироблари куйланди. Халқни ана шу занжирлардан озод этишга, ўзлигини англашга чорлаш ғояси шоир шеърларида яққол намоён бўлади.

Шавкат Раҳмон ижодида ўнга яқин ривоятлар бор. Ушбу ривоятларнинг аксарият қисми халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётдаги анъанавий ривоятлар сюжетига таянса-да, улар шоир талқинида янгича мазмун касб этади.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Шавкат Раҳмон шеърлятида бадий-услубий изланишлар**” деб номланган. Бобнинг дастлабки “*Шоир шеърлятида шакл ва мазмун уйғунлиги*” деб номланган фаслида шоир ижодидаги шаклий изланишлар ва уларнинг мазмун билан алоқадор жиҳатлари 80-йиллар шеърляти қамровида тадқиқ этилган.

Шавкат Раҳмон шеърларини шеърӣ ўлчов ва қофия нуқтаи назаридан текшириб чиқиб, уларнинг барчаси бармоқ системасига мансуб эканлигига амин бўлдик. Текширишларимиз Шавкат Раҳмон ижодида сарбаст вазнли шеър йўқ, деб хулоса чиқаришга имкон берди. Фақат шоир шеърда ифодаланган мазмуннинг янада таъсирлироқ чиқиши учун мисраларни табиий равишда “синдириб”, сарбастона риторикани кучайтирган эди. Шоирнинг

шеърни анъанавий тўртликлар шаклига солмай, ўзига хос мисраларга ажратиши бевосита мазмунни кучайтириб, янада таъсирчан этишга, у туйган хис-ҳаяжонни, ўйлаб, идрок этган фикрни тўлиқ ифодалашга хизмат қилмоқда. Айни ҳолатни шоирнинг “Рангин лаҳзалар”, “Юрак қирралари”, “Гуллаётган тош”, “Очиқ кунлар”, “Уйғоқ тоғлар” каби тўпламларидаги аксарият эркин шакли шеърларида ҳам кузатамиз. Аслида ушбу шеърлардаги “синдирилган” қаторларни тиклаб чиқсак, бармоқ вазнининг мумтоз шакллари олиган 9 ва 11 бўғинли асарга эга бўламиз.

Эътиборли жиҳат – шоир шеърларида “синдирилган” мисра асосан тўртликнинг дастлабки қаторига тўғри келади. Улар 11 бўғинли шеърларда эса 6+5, 11, 11, 11; 3+8, 11, 11, 11; 9 бўғинли шеърларда 4+5, 9, 9, 9; 3+6, 9, 9, 9; 2+7, 9, 9, 9; баъзи бир 8 бўғинли намуналар: 4+4, 8, 8, 4+4 каби вариантларда учрайди. Мисраларнинг “синдирилиши” нафақат оҳангдорликка, балки мазмуннинг кучайишига ҳам хизмат қилади. Демак, Шавкат Раҳмоннинг анъанавий бармоқ вазнига тегишли шакли ислоҳ этиб, эркин шаклга келтириши шунчаки шаклбозлик эмас. Бу фикр ва оҳанг уйғунлигини таъминлаш борасидаги изланишларининг ҳосиласидир. Шавкат Раҳмоннинг эркин шаклдаги шеърларида туроқларга асосланган бирликларнинг бўғинлари деярли тенг келади (баъзи намуналарнинг бир ёки икки мисрадаги бўғинлар сони фарқ қилиши мумкин. Бундай кам сонли ҳолатларни шоир ижодининг сўнгги даврига тегишли шеърларида кўрамыз).

Шеърларда мисраларнинг “синдирилиши” ва мисраларни анъанавий катта ҳарфлар билан ёзишдан чекиниб, маълум фикр тугамагунча кичик ҳарфлар билан ёзиш Шавкат Раҳмоннинг ўзига хос услубига айланди. Бу ҳолатни шоир ижодига Ғарб шеърляти, хусусан, испан, чех, поляк шоирларининг таъсири сифатида баҳолаш ўринли.

Шавкат Раҳмон ижодида бармоқ вазнининг беш, етти, саккиз бўғинли намуналари ҳам учрайди. Аммо уларнинг салмоғи у қадар сезилмайди. Умуман олганда, шоир ижодида анъанавий бармоқ вазнидан эркин шаклга ўтиш ҳолати у қалам тебрата бошлаган дастлабки, ўқувчилик давридан бошланиб, аста-секинлик билан етакчи ўринга чиқди. Эркинлик шоир руҳиятидаги туғма хусусият эканлиги унинг шеърый шакл танлашида ҳам намоён бўлади. Бу хусусият кейинчалик унинг ҳаёти, ижоди, тақдирида энг асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Бармоқ вазнининг эркин шакли шоир ижодининг сўнгги босқичида етакчи ўринга чиқиши ҳам ана шу факторлар сабабли рўй берди.

Шеърый шаклнинг ҳосил бўлишида қофиянинг¹⁵ алоҳида ўрни ва хизмати бор. Шавкат Раҳмон шеърларидаги қофияларга назар ташланса, бу ўринда ҳам қатъий чегара – мезонлардан чекиниш, эркинликка интилиш

¹⁵ Адабиёт назарияси. Икки томлик. Иккинчи том. Адабий асар. – Тошкент: Фан, 1979; Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996; Қурононов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Т. Akadernashr, 2012; Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Т.: Фан, 1966; Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akadernashr, 2018.

кузатилади. Худди шеърий шакл борасидаги изланишлар каби шоир қофия қўллашда ҳам эркинликка тадрижий равишда ўтди. Шоирнинг қофия борасидаги “эркинлиги” оч қофияларни кўпроқ қўллашида кўринади. Шавкат Раҳмоннинг дастлабки шеърларида эса бир хил қофия системаси мавжуд эди. Яъни, а-б-а-б, в-г-в-г, д-е-д-е қофия шакли деярли такрорланиб туради.

